

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
ЗООЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

“Сурхондарёнинг жанубий туманлари шароитида хурмо
ўсимлиги фитонематодалари”

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ



Бажарди: Биология таълим
йўналиши 4-курс талабаси
Норматова Дилдора Эргашали
қизи _____

Илмий раҳбар:
ўқ. А.Бекмуродов

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
_____ сонли баённома “ _____ ” _____ 2017 йил

Мундарижа

Кириш	3
• Мавзунинг долзарблиги	
• Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари	
• Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги	
• Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти	
• Битирув малакавий ишининг объекти	
• Битирув малакавий ишининг предмети	
• Битирув малакавий ишининг методлари	
• Битирув малакавий ишининг апробацияси	
• Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми	
I-боб. Адабиётлар таҳлили	6
II-боб. Битирув малакавий ишининг материал ва методикаси	11
2.1. Материал	11
2.2. Намуна йиғиш методикаси	11
2.3. Фитонематодаларни ажратиб олиш, фиксация қилиш ва препарат тайёрлаш методикаси	12
III-боб. Сурхондарёнинг жанубий туманлари шароитида хурмо ўсимлигида аниқланган фитонематодаларнинг экологик-таксономик характеристикаси	16
IV-боб. Сурхондарёнинг жанубий туманлари шароитида хурмо ўсимлиги нематодафаунасининг анализи	51
4.1 Систематик анализ	51
4.2. Экологик анализ	57
Умумий хулосалар	60
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	62

КИРИШ

Битирув малакавий ишининг долзарблиги. Инсон ҳаёт-фаолияти учун муҳим бўлган ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун уларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир қилувчи турли касалликлар, хилма-хил зараркунандаларнинг таъсирини ўрганиш билан бир каторда, уларда паразитлик қилувчи фитонематодаларни ўрганиш катта аҳамиятга эгадир. Чунки паразит фитонематодалар қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини 10-15 % дан 65 % гача камайтириши аниқланган. Масалан, АҚШда фитонематодалар бир йилда қишлоқ хўжалигига 53 млн. доллар иқтисодий зарар келтиради.

Хурмо (*Diospyros lotus*) субтропик мевали ўсимликлар орасида ўзининг аҳамияти жиҳатидан анордан кейин иккинчи ўринни эгаллайди [29]. У хурмодошлар оиласига мансуб субтропик ўсимлик бўлиб, субтропик ва субтропик минтақаларда 500 га яқин тури учрайди. Хитой, Япония, Ўрта Ер денгизи бўйи мамлакатлари, Австралия, АҚШ, Кавказ ва Ўрта Осиёда экилади. Хурмо лотинчада “илоҳлар таоми” маъносини билдириб, унинг таркибида қанд, С витамини, протеин, темир тузлари, оксил, ошловчи моддалар ва бошқа моддалар бор. Меваси 2-3 ой сақланади, янгилигида ҳамда қуритилган ҳолда истеъмол қилинади, қандолатчилик саноатида ишлатилади, ликёр, вино, жем тайёрланади. Хурмо никотин (RR витамин) га бой бўлиб, чарчокни йўкотади, депрессияга қарши курашувчи табиий гармон серотонин ишлаб чиқарилишида иштирок этади. Ундаги ўсимлик шакари юрак учун кони фойда бўлиб, қоматга ёмон таъсир кўрсатмайди. Унинг таркибида аминокислоталар миқдори кўп. Бундан ташқари унинг таркибида жуда кўп миқдорда сув, қул моддаси, оксиллар, углеводлар, органик кислоталар, ошловчи моддалар мавжуд. Ушбу мева калий, калций, магний, фосфор ва темир моддаларига ҳамда А, С ва Р витаминларига жуда бой [25; 30].

Хурмо таркибида 20-25 % гача қанд борлиги аниқланган. Хурмо меваси парҳез маҳсулоти сифатида катта қимматга эга. У ошқозон касалликларида, камқонликда фойда бериши аниқланган [8].

Хурмо ҳам барча ўсимликлар сингари фитонематодалар билан зарарланади. Шунинг учун хурмо ўсимлиги ва унинг илдизи атрофидаги тупроқда тарқалган фитонематодаларнинг турлар таркиби, биологик ва экологик хусусиятлари, тарқалиши, ўсимликни зарарлашини ўрганиш ҳамда паразит турларига қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш мазкур ўсимликдан юқори ва сифатли ҳосил олишда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, Сурхондарё вилояти шароитида хурмо ўсимлиги фитонематодалари устида фақат Ш.Х.Хуррамов [26; 27; 28; 29] томонидан фитогельминтологик тадқиқотлар ўтказилган. Вилоят шароитида хурмо илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда хилма-хил паразит фитонематодалар кўпайганлиги, уларнинг бевосита ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатаётганлиги сезиларли даражада бўлишига қарамасдан, хурмо ўсимлиги фитонематодалари етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу ҳолат мазкур мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Ишнинг мақсади Сурхондарё вилоятининг жанубий туманлари шароитида хурмо ўсимлиги фитонематодаларини ўрганиш, мазкур ўсимликда паразитлик қилувчи фитонематодалар турини аниқлашдан иборат. Шулар билан боғлиқ ҳолда қуйидаги **вазифалар** белгиланди:

- Сурхондарё вилояти жанубий туманлари шароитида хурмо ўсимлиги илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда тарқалган фитонематодалар турларини аниқлаш;
- Топилган фитонематодаларнинг экологик-таксономик характеристикасини аниқлаш ва анализ қилиш;
- Хурмо ўсимлигида паразитлик қилувчи фитонематодалар ва уларнинг ўзига хос белги ва хусусиятларини, келтириб чиқарадиган

касалликларини ҳамда ўсимлик ҳосилдорлигига турли даражада етказадиган салбий таъсирини ўрганиш.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Сурхондарё вилояти шароитида хурмо ўсимлиги нематодафаунаси ўрганилди ва 58 турга мансуб фитонематодалар аниқланди.

Ўсимлик илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда топилган фитонематодаларнинг экологик-таксономик характеристикаси баён этилди.

Аниқланган фитонематодалар систематик ва экологик анализ қилинди.

Хурмо ўсимлиги ва унинг илдизи атрофидаги тупроқда ҳақиқий паразит фитонематодалардан 12 тури аниқланди.

Хурмо ўсимлиги ва унинг илдизи атрофидаги тупроқда аниқланган фитонематодалардан 8 тури хурмо ўсимлиги илдизи ва унинг атрофидаги тупроқда учраши биринчи марта қайд этилмоқда.

Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасига кўра хурмо ўсимлиги ва унинг илдизи атрофида учровчи фитонематодалар комплекси бўйича маълумотлар олинди.

Битирув малакавий ишининг объекти. Хурмо ўсимлиги ва унинг илдизи атрофида учровчи фитонематодалар.

Битирув малакавий ишининг предмети. Хурмо ўсимлигида учровчи фитонематодаларнинг турлар таркибини аниқлаш, аниқланган фитонематодаларнинг турларининг экологик-фаунистик характеристикасини баён этиш, Сурхондарёнинг жанубий туманлари шароитида хурмозорларда тарқалган паразит фитонематодалар, уларнинг етказадиган зарари ҳамда қарши кураш тадбирлари тўғрисида маълумот бериш.

Битирув малакавий ишининг методлари. Илмий изланишлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар фитогельминтологияда кенг қўлланиладиган *Маршрут*, *Берман*, *Сайнхорст* ва илдизни ёриш методлари асосида бажарилди.

Битирув малакавий ишининг апробацияси. Ушбу тадқиқот ишининг натижалари бўйича 2016 йил 11-12 июнда ўтказилган “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаёт: тарих ва таҳлил” мавзусидаги

Республика илмий конференцияси материалларида, 2016 йил 29-30 июн кунларида бўлиб ўтган Ёш олимлар Республика илмий-амалий конференцияси материалларида тезислар чоп эттирилган.

Бу илмий натижалар асосида келажакда хурмо ўсимлиги фитонематодаларини ўрганиш ва паразит турларига қарши кураш чораларини қўллаш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши компьютерда 59 бетда баён қилинган бўлиб, кириш, 4 боб, умумий хулосалар, тадқиқотлар давомида фойдаланилган 43 номдаги адабиётлар рўйхати, 11 та расм ҳамда 3 та жадвалдан иборат.

I-БОБ. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Инсон ҳаётида зарур бўлган ўсимликлар орасида ўзига хос ўринга эга бўлган хурмо ўсимлиги фитонематодаларининг ўрганилиши ўз тарихига эга.

Р.Несбитт Калифорнияда хурмо ўсимлигида *Tylenchulus semipenetrans* турини аниқлаган [40].

Д.Ди Мая, М.Никотина, М.Форлани лар хурмо ўсимлиги илдиз ва илдиз атрофида тарқалган фитонематодалар фаунасини ўрганиш устида фитогельминтологик тадқиқотлар ўтказганлар. Тадқиқотлар натижасида хурмо ўсимлиги ва унинг илдизи тупроқда *Criconemoides*, *Tylenchulus*, *Longidoris*, *Xiphinema*, *Helicotylenchus*, *Meloidogyne*, *Pratylenchus*, *Paratylenchus*, *Aphelenchus* ва *Aphelenchoides* авлодларига мансуб фитонематодаларни аниқлаганлар ва мазкур турлар хурмо ўсимлигининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига зарар етказишини қайд этганлар [37].

Ж. Kozłowska, Л. Wasilewska лар Польшада 22 та мевали дарахтлар питомнигида тарқалган паразит фитонематодаларни ўрганганлар ва 49 турга мансуб паразит фитонематодаларни аниқлаганлар [39]. Муаллифлар хурмо ўсимлигида *Pratylenchus pratensis*, *P. penetrans*, *P. crenatus*, *Tylenchorhynchus dubius* турлари кўп сонда учрашини қайд этганлар.

А.Велло, Е.Лабарда лар Испанияда мевали дарахтлар плантациялари устида фитогельминтологик тадқиқотлар ўтказиб, хурмо ўсимлиги илдизи ва илдизи атрофидаги тупроқда *Criconemoides*, *Helicotylenchus*, *Meloidogyne*, *Pratylenchus*, *Xiphinema*, авлоди вакиллари кўп сонда тарқалганлигини аниқлаганлар [33].

Ш.Х.Хуррамов 1978 йилда Ўрта Осиё шароитида биринчи марта ушбу қимматли ўсимлик устида фитогельминтологик тадқиқотлар ўтказган. Тадқиқотлар натижасида хурмо ўсимлиги илдизи ва унинг илдизи атрофидаги тупроқда *Pratylenchus*, *Macroposthonia*, *Tylenchorhynchus*, *Paratylenchus*, *Helicotylenchus*, *Xiphinema* ва бошқа авлодларга мансуб 17 тур паразит фитонематодаларни аниқлаган [26].

1981 йилда Ш.Х.Хуррамов хурмо ўсимлиги нематодафаунасини ўрганиб, унинг илдиз системаси ва илдизи атрофидаги тупроқда 41 тур фитонематода учрашини аниқлаган ва улар орасида *Meloidogyne*, *Xiphinema*, *Pratylenchus*, *Helicotylenchus* авлодлари вакиллари хурмонинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига жиддий зиён етказишини қайд этган [27].

Хуррамов Ш.Х. Ўрта Осиё Республикалари шароитида хурмо ўсимлиги нематодафаунасини ўрганиш устида тўлақонли фитогельминтологик тадқиқотлар ўтказган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида хурмо ўсимлиги илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда 8 туркум, 32 оила, 57 авлодга мансуб 73 тур фитонематода аниқланган. Ўсимликнинг илдизи ва унинг илдизи атрофидаги тупроқда *Tylenchida*, *Rhabditida*, *Aphelenchida*, *Dorylaimida* туркумлари вакиллари тур ва сон жиҳатдан доминантлик қилиши қайд этилган. Экологик гуруҳлар орасида эса касаллик келтириб чиқармайдиган фитогельминтлар етакчи ўринни (64,1%) эгаллаши кузатилган [28; 29].

Ш.Х.Хуррамов томонидан хурмо ўсимлигининг паразит турларига қарши курашишнинг агротехник, ташкилий-профилактик, физикавий, химиявий чора-тадбирларини қўллаш йўллари тавсия этилган [28; 29].

Г.Норбўтаева, Г.Абдурахмоновалар Самарқанд вилоятининг айрим мевали дарахтлари, яъни шафтоли, олма, ўрик, хурмо ўсимликлари фитонематодаларининг экологик хусусиятларини ўрганганлар. Илмий тадқиқотлар натижасида 55 тур фитонематодалар аниқланган. Аниқланган фитонематодалар 2 та кенжа синф (*Adenophorea*, *Sesernentea*), 4 та туркум (*Chromodorida*, *Enoplida*, *Rhabditida*, *Tylenchida*), 18 оила, 30 авлодга мансуб эканлиги қайд этилган [9].

Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, дунё миқёсида бошқа ўсимликларга қараганда хурмо ўсимлиги нематодафаунаси, тарқалиш қонуниятлари, ўсимликнинг илдиз системаси ва илдиз атрофидаги тупроқда тарқалган ҳамда мазкур ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига жиддий зарар етказувчи паразит фитонематодалар, уларга қарши кураш чоралари етарли даражада ўрганилмаган. Ўзбекистон, хусусан, Сурхондарё

вилояти шароитида ҳам хурмо ўсимлиги фитонематодалари, уларнинг турлар таркиби, систематикаси, тарқалиши, паразит турлари ва уларга қарши кураш чоралари кам ўрганилган. Ушбу ҳолат мазкур мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

II-БОБ. ТАДҚИҚОТ ИШИНИНГ МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДИКАСИ

2.1. Материал

Ушбу тадқиқот ишининг бажарилиши учун 2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг жанубида жойлашган Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Муҳаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларидан хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқдан йиғилган намуналар материал бўлиб хизмат қилди. Вилоятнинг жанубий туманлари шароитида хурмо ўсимлиги нематодафаунасини ўрганиш учун 250 та тупроқ ва 250 та илдиз намуналари йиғилди.

2. 2. Намуна йиғиш методикаси

Хурмо ўсимлиги илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқдан намуналар йиғишда фитогельминтологияда кўпчилик тадқиқотчилар томонидан қабул қилинган ва кенг тарқалган маршрут методидан фойдаланилди [12; 16].

Маршрут методи хурмо ўсимлиги нематодафаунасини ўрганиш ва фитогельминтларнинг тарқалишини билиш мақсадида қўлланилди. Бунинг учун намуна олинадиган ўсимликнинг атрофи 40 см чуқурликда, 1-1,5 метр кенликда қазилади ва энг ингичка илдизлар тупроқдан ажратиб олинади. Илдиз атрофидаги тупроқдан ҳам 1 кг олинади. Намуналар май-июнь ойларида олинди.

Маршрут методига асосан хурмозорнинг диагонали бўйича намуналар йиғилди. Олинган намуналар полиэтилен халтачаларга солиниб, намуна олинган жой, намуна олинган вақт, ўсимлик тури қоғозга ёзилиб, у ҳам халтачага солинди.

2.3. Фитонематодаларни ажратиб олиш, фиксация қилиш ва препарат тайёрлаш методикаси

Йиғилган намуналар Термиз давлат университети қошидаги фитогельминтология лабораториясида таҳлил қилинди. Ўсимлик намуналари

лабораторияга олиб келинган, ўсимлик илдизида бўртмалар, некроз доғлар бор-йўқлиги кўздан кечирилди.

Биз ўз ишимизда ўсимлик илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқдан фитонематодаларни ажратиш учун Берманнинг воронкали методидан фойдаландик. Бунда ўсимлик илдизи водопровод сувида тозалаб ювилади, кайчи ёрдамида 0,5 см узунликда майдаланади ва белгиланган миқдорда (20 гр) тарозида тортиб олинади. Воронкага резина най кийгизилиб, унинг пастки қисмига пробирка кийгизиб қўйилади ва унга тоза сув солинади. Ундан кейин воронка устига мис сетка қўйилади, кейин эса ҳар бир намуна сут фильтрига солиниб, воронкага жойлаштирилади. Бунда махсус элакчалардан ҳам фойланилади. Намуналар воронкага жойлаштирилгач, ҳар бир намуна учун қаердан, қачон ва ўсимликнинг қайси қисмидан олинганлиги ҳақида ёрлик ёзилади.

Майдаланган ўсимлик қисмларидан фитонематодалар тезроқ чиқади. Намуна учун олиб келинган тупроқдан ҳам белгиланган миқдорда (20 гр) тортиб олинди, воронкаларга резина най кийгизилиб, унинг пастки қисмига пробирка кийгизиб қўйилди ва унга тоза сув солинди. Воронка устига мис сетка қўйилиб, ҳар бир намуна сут фильтрига солиниб, воронкага жойлаштирилди. Ҳар бир намуна учун қаердан, қачон олинганлиги ҳақида ёрлик ёзиб қўйилди.

Фитонематодалар илдиз ва тупроқдан сувга чиқиб, пробиркага йиғилади. Намуналар ёз вақтида қўйилганлиги учун 24 соатдан кейин воронкага кийгизилган резина найни қўл билан қисиб, пробирка тортиб олинади. Пробиркадаги сувнинг бир қисми пипетка ёрдамида олиб ташланиб, унинг ўрнига 4 фоизли формалин эритмаси солиниб, оғзига тиқини қўйилади. Формалин билан фиксация қилинган баъзи фитонематодаларнинг танаси букилиб, эгри-бугри бўлиб қолиши мумкин. Уни ўз ҳолига қайтариш мақсадида пробиркани 50-55°ли иссиқ сувли ванначаларга солинади. Шундан сўнг фитонематодалар турларини аниқлаш ва уларнинг сонини билиш учун пробиркадаги фитонематодалар Петри чашкасига тўкиб, микроскоп остига қўйилиб қаралади. Фитонематодаларни тирик ҳолда кўрганда уларни

фиксация қилгандагига нисбатан тана тузилиши, морфологик белгилари яхшироқ кўринади.

Доимий препарат тайёрлаш учун Сайнхорст [41] методидан фойдаландик. Бунда фитонематодалар махсус нина билан соат ойнасига, 4-5 томчи дистилланган сувга терилади. Териб бўлингач, фитонематодаларни равшанлаштириш мақсадида унга 4 томчи биринчи коришмадан (20% спирт, 1% глицерин, 79 % дистилланган сув) қўшилиб, 20-30°C ли термостатга 24 соат қўйилади. Термостат спирт ва сувнинг буғланишига ёрдам беради. 24 соатдан кейин унга иккинчи коришмадан (95% спирт, 5% глицерин) томизилиб, яна 20-30°C ли термостатга 2-3 соат қўйилади. Термостат спиртнинг буғланишига ёрдам беради. Шундан сўнг термостатдан олинган фитонематодалар препарат қилишга тайёр ҳисобланади.

Доимий препаратларни қуйидагича тарзда тайёрладик: буюм ойнасига металл найча ёрдамида парафиндан ҳалқа қўйилади. Ҳалқа ичига игна ёрдамида глицериндан томчи томизилди ва томчига фитонематодалар терилди. Томчи бинокулярда қаралиб, ундаги фитонематодалар алоҳида-алоҳида қилиб жойлаштирилди. Бир томчига 10-15 тагача фитонематодалар терилди. Сўнгра унинг усти қоплағич ойна билан ёпилиб, препарат спирт лампасида қиздирилди. Бунда глицериннинг бир хил ёйилишига, парафиннинг эришига эътибор бериш керак бўлади. Иложи борича фитонематодаларни қовуриб юбормаслик керак. Парафин эриб, бир хил тарқалгач, спирт лампаси ўчирилади. Қоплағич ойна атрофидаги парафин скальпель ёрдамида тозаланиб, препарат чеккасига сиёҳ билан препарат номери, қаердан олинганлиги, ўсимликнинг қайси қисмидан олинганлиги ва олинган вақти ёзиб қўйилади.

Фитонематодаларнинг турларини, жинсини аниқлаш учун МБР-3 микроскопидан фойдаланилади.

Фитонематодаларни ўлчашда кўпчилик олимлар томонидан қабул қилинган De Man [36] формуласидан фойдаланилди. Бу формула қуйидагича ифодаланади:

L = тананинг умумий узунлиги;

a = гавданинг умумий узунлиги / эни;

b = гавданинг умумий узунлиги / қизилўнгач узунлиги;

c = гавданинг умумий узунлиги/ дум узунлиги;

V = вульва жойлашган чегара/гавданинг умумий узунлиги x 100.

Бўртма нематодаларининг турлар таркибини аниқлаш учун зарарланган илдиз қисмларга бўлиниб, петр чашкасига жойлаштирилди ва сув солиниб, МБС-6 бинокулярлари ёрдамида тўғридан-тўғри илдиз ёриш методи асосида, препаратлар игна ва кўз скальпели ёрдамида таҳлил қилинди. Препаратлар игна ва кўз скальпели ёрдамида илдиздаги бўртмаларни ёриб, эҳтиёткорлик билан улардаги бўртма нематодаларнинг урғочилари ажратиб олинди. Ажратиб олинган урғочи нематодалар қавариқ буюм ойнасига бир томчи сув ёки глицеринга солиниб, бинокуляр остида қаралди. Ўткир кўз скальпели ёрдамида урғочи нематодаларнинг танаси ёрилмаслиги учун бош қисми кесилиб, кейин эса эҳтиёткорлик билан орқа қисми кесилади. Кесиб олинган урғочи нематоданинг орқа қисми учи қайрилган ингичка препаратлар игна ёрдамида ички органлардан тозаланади.

Тайёрланган анал–вульвар пластинка бир томчи глицерин ёки лактофенал томизилган буюм ойнасига кўчирилиб, шундай мўлжал олинадики, кутикуласининг устки қисми юқорига, яъни кўзга тўғрилаб жойлаштирилиши лозим. Шундан сўнг қопағич ойна билан қопланади.

Бўртма нематодаларининг турлар таркиби МБР-3 микроскопи ва фазоконтраст қурилмаси ёрдамида кўпчилик фитогельминтологлар томонидан қабул қилинган методлардан фойдаланган ҳолда аниқланди [12; 16].

III -БОБ. СУРХОНДАРЁНИНГ ЖАНУБИЙ ТУМАНЛАРИ ШАРОИТИДА ХУРМО ЎСИМЛИГИДА АНИҚЛАНГАН ФИТОНЕМАТОДАЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК-ТАКСОНОМИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Ҳайвонот оламининг табиий системасини яратиш бўйича изланишлар жараёнида кўпгина системалар таклиф қилинган, лекин уларнинг барчаси сунъий бўлиб, табиий системадан йироқ эди.

Ч.Дарвин 1859 йилда ёзилган “Турларнинг келиб чиқиши” [3] асарида органик олам тараққиётининг табиий танланиш йўли билан келиб чиққанлигини ҳар томонлама исботлаб берди. Шундан кейин органик олам табиий системасини қайта ишлаб чиқиш бошланди. Ч.Дарвиннинг эволюцион таълимоти биология фанларининг барча соҳалари тараққиётига катта таъсир кўрсатдики, бу табиий классификациянинг ривожланишига янада кўпроқ шароит яратиб берди.

И.Н.Филипьевнинг “Севастополь бухтаси эркин денгиз нематодалари ҳақида” [24] номли илмий иши нематодалар системасида катта тўнтариш ясади ва нематодалар классификациясининг ривожланишини янги этапини бошлаб берди. У кўпчилик томонидан тан олинди ва барча нематодологлар учун асосий қўлланма бўлиб қолди.

Нематодалар синфи системаси ривожланишининг кейинги этапи Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида А.А.Парамоновнинг [11; 12 ; 13; 14 ; 15] таксономик ишлари юзага келиши билан бошланди. Фитонематодалар турли гуруҳларининг табиий системасини тузишдаги муаммоларни ечиш учун А.А.Парамонов дунёда биринчи марта эволюцион морфология ва экологик-морфологик анализ методларидан фойдаланди. А.А.Парамонов нематодалар синфи системаси бўйича бошига *Secernentea* кенжа синфини эмас, балки *Adenophorea* кенжа синфини қўяди. У бундай тартиб нематодалар гуруҳлари ўртасидаги филетик боғланишларни ўз ичига олади деб ҳисоблайди.

Узоқ вақт нематодалар синфи вакиллари иккита кенжа синф (*Adenophorea*, *Secernentea*) ларга киритилиб ўрганилди. В.В.Малахов,

К.М.Рыжиков, М.Д.Сонинларнинг [8] системасида нематодалар синфи учта, яъни *Enoplia*, *Chromadoria*, *Rhabditia* кенжа синфларига бўлинди.

Ушбу битирув малакавий ишининг бажарилиши жараёнида топилган фитонематодаларнинг таксономик таърифи ва уларнинг турларини аниқлашда қуйидаги чет эл ва Ўзбекистонлик муаллифларнинг илмий ишларидан фойдаланилди: И.Н.Филипьев [25], А.А.Парамонов [11; 12 ; 13; 14 ; 15] , Т.С.Скарбилович [18; 19], Т.С.Скарбилович, Ш.Х.Хуррамов [20], Ш.Х.Хуррамов [28], А.Т.Тўлаганов, А.З.Усмонова [22 ; 23], Е.С.Кирьянова [5], Е.С.Кирьянова, Э.Л.Кралль [6; 7], Х.Деккер [4], В.Г.Читвуд [34;35], Т.Гоудей [37], Г.Торне [45], М.Р.Сиддиқи [42], I.Andrassy [32] ва бошқалар, шунингдек Россия Фанлар Академияси Паразитология Институтида тузилган фитонематодалар атласидан ҳам фойдаланилди.

Биз ўз ишимизда рус нематодолог олимлари В.В.Малахов, К.М.Рыжиков, М.Д.Сонинлар [8] томонидан ишлаб чиқилган нематодалар системасидан фойдаландик. Шунингдек, А.А.Парамоновнинг [10;12] кенг танилган фитонематодалар экологик классификациясидан фойдаландик.

Қабул қилинган фитонематодалар систематикаси бўйича Сурхондарё вилоятининг жанубий туманлари шароитида хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда топилган ва аниқланган фитонематодалар қуйидагича классификацияга киритилди:

Тип	Nemathelminthes Schneider, 1886
Синф	Nematoda Rudolphi, 1808
Туркум	Enoplida Chitwood, 1933
Оила	Prismatolaimidae Mikoletzky, 1922
Авлод	Prismatolaimus De Man, 1880
Тур	<i>P. dolichurus</i> De Man, 1880

$$\begin{aligned} \text{♀: } L &= 1085 - 1112 \text{ мкм}; & a &= 46,5 - 47,1; & b &= 4,2 - 4,3; \\ & & c &= 2,7 - 2,8; & V &= 38,9 - 45,5 \%. \end{aligned}$$

Бу турга мансуб 4 та урғочи фитонематода ва 27 та личинкалар аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “Мустақиллик”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқдан топилди. Параризобионт.

Туркум	Mononchida	Jairajpuri, 1969
Оила	Mylonchulidae	Jairajpuri, 1969
Авлод	Mylonchulus	Cobb, 1916
Тур	<i>M. sigmaturus</i>	(Cobb, 1917) Andrassy 1958

♀: L = 2514-2720 мкм; a = 32,8-33,1; b = 40,2-41,0;
c = 40,8-41,3; V = 61,9-62,2 %.

♂: L = 1920-1932 мкм; a = 32,5-33,1; b = 3,4-3,5; c = 36,3-37,1.

Бу турга мансуб 5 та урғочи, 4 та эркак фитонематода ва 8 та личинкалар аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқда қайд этилди. Параризобионт.

Туркум	Dorylaimida	Pearse, 1942
Оила	Dorylaimidae	De Man, 1 76
Авлод	Mesodorylaimus	Andrassy, 1959
Тур	<i>M. bastiani</i>	(Buetschlii, 1873) Eliava, 1984

♀: L = 1978-2816 мкм; a = 39,4-39,7; b = 4,6;

$$c = 22,5-23,1; \quad V = 50,6-52,8 \%$$

$$\text{♂: } L = 1620 \text{ мкм}; \quad a = 41,2; \quad b = 5,6; \quad c = 38,7.$$

Бу турга мансуб 3 та урғочи, 1 та эркак фитонематода, 14 та личинка аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқдан топилди. Параризобионт.

Тур *M. arvensis* (Cobb in Thorne et Swanger, 1936) Eliava, 1984

$$\text{♀: } L = 736-910 \text{ мкм}; \quad a = 36,8-37,3; \quad b = 3,5-3,7; \\ c = 7,9-8,1; \quad V = 49,1-49,8 \%$$

Бу турга мансуб 16 та урғочи фитонематода, 36 та личинкалар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқда аниқланди. Параризобионт.

Оила Qudsianematidae Jairajpuri, 1965

Авлод Eudorylaimus Andrassy, 1959

Тур *E. labiatus* (De Man, 1880) Andrassy, 1959

$$\text{♀: } L = 1782-2145 \text{ мкм}; \quad a = 38,9-47,7; \quad b = 4,3-4,7; \\ c = 44,4-47,4; \quad v = 49,2-51,5 \%$$

Бу турга мансуб 4 та урғочи фитонематода ва 56 та личинка қайд этилган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”,

Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупрокдан топилди. Параризобионт.

Тур *E. paraobtusicaudatus* (Micoletzky, 1922) Andrassy, 1959

♀: $L = 2844-2920$ мкм; $a = 34,1-34,3$; $b = 3,5-4,1$;
 $c = 58,4-59,2$; $V = 37,1-50,6$ %.

Бу турга мансуб 28 та урғочи фитонематода, 72 та личинкалар аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Муҳаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликлари ҳудудида хурмо ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупрокдан топилди. Параризобионт.

Тур *E. parvus* (De Man, 1880) Andrassy, 1959

♀: $L = 1544-1616$ мкм; $a = 28,6-29,7$; $b = 5,6-5,7$;
 $c = 18,9-20,6$; $V = 50,2-53,0$ %.

Бу турга мансуб 3 та урғочи фитонематода, 53 та личинка топилган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Муҳаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқда қайд этилди. Параризобионт.

Тур *E. pratensis* (De Man, 1880) Andrassy, 1959

♀: $L = 1688-2110$ мкм; $a = 32,2-36,6$; $b = 3,6-4,6$;
 $c = 36,9-50,2$; $V = 45,7-50,6$ %.

Бу турга мансуб 12 та урғочи фитонематода ва 136 та личинка аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Параризобионт.

Тур *E. similis* (De Man, 1876) Andrassy, 1959

♀: $L = 2447-2763$ мкм; $a = 59,5-60,4$; $b = 4,5-5,1$;
 $c = 33,4-39,8$; $V = 44,9-45,5$ %.

Бу турга мансуб 4 та урғочи фитонематода, 62 та личинка топилган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқда қайд этилди. Параризобионт.

Авлод *Labronema* Thorne, 1939

Тур *L. eudorylaimoides* E. Geraert, 1962

♀: $L = 1288-2884$ мкм; $a = 24,9-28,3$; $b = 3,4-3,9$;
 $c = 32,2-32,3$; $V = 51,2-63,4$ %.

Бу турга мансуб 4 та урғочи фитонематода, 12 та личинка аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқдан топилди. Параризобионт.

Оила	<i>Aporcelaimidae</i>	Heyns, 1965
Авлод	<i>Aporcelaimellus</i>	Heyns, 1965
Тур	<i>A. obtusicaudatus</i>	(<i>Bastian, 1865</i>) <i>Alther, 1968</i>

$$\begin{aligned} \text{♀: } L &= 2444-3676 \text{ мкм}; & a &= 24,9-36,4; & b &= 3,6-4,4; \\ & & c &= 52,9-77,5; & V &= 49,6-52,2 \%. \end{aligned}$$

Бу турга мансуб 13 та урғочи фитонематода, 21 та личинкалар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқда аниқланган. Параризобионт.

Тур	<i>A. krugeri</i>	(<i>Ditlevsen, 1928</i>) <i>Heyns, 1965</i>
------------	-------------------	---

$$\begin{aligned} \text{♀: } L &= 2877-3422 \text{ мкм}; & a &= 23,7-24,7; & b &= 3,7-4,3; \\ & & c &= 78,8-111,4; & V &= 46,3-53,1 \%. \end{aligned}$$

Бу турга кирувчи 4 та урғочи индивид ва 8 та личинка аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги

“И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликлари ҳудудида хурмо ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқдан топилди. Параризобионт.

Оила Nordiidae Jairajpuri et Siddiqi, 1964
Авлод Longidorella Thorne, 1939
Тур *L. microdorus* (De Man, 1880) Goodey, 1963

♀: $L = 678-825$ мкм; $a = 15,5-17,1$; $b = 2,8-3,1$;
 $c = 16,4-17,5$; $V = 57,8-60,2$ %.

Бу турга мансуб 4 та урғочи фитонематода, 13 та личинка аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқда қайд этилди. Параризобионт.

Оила *Xiphinematidae* (Delmasso, 1969) Khan et Ahmad, 1975
Авлод *Xiphinema* Cobb, 1913
Тур *X. basiri* Siddiqi, 1959

♀: $L = 3226-3534$ мкм; $a = 61,8-63,1$; $b = 6,2-6,5$;
 $c = 59,5-63,2$; $V = 57,1-57,5$ %.

Бу турга мансуб 3 та урғочи фитонематода, 11 та личинка аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, Музработ туманидаги “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи

атрофидаги тупроқдан топилди. Касаллик келтириб чиқарувчи фитогельминт.

Тур *X. elongatum* Schuurmans Stekhoven et Teunissen, 1938

♀: $L = 2022-2043$ мкм; $a = 59,9-60,3$; $b = 4,9-5,1$;
 $c = 35,9-36,2$; $V = 44,1-44,5$ %.

Бу турга кирувчи 3 та урғочи фитонематода ва 12 та личинкалар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи атрофидаги тупроқда аниқланди. Касаллик келтириб чиқарувчи фитогельминт.

Тур *X. diversicaudatum* Micoletzky, 1922

♀: $L = 2844-3112$ мкм; $a = 57,3-58,2$; $b = 6,2-7,3$;
 $c = 94,2-96,5$; $V = 41,2-42,2$ %.

Бу турга мансуб 13 та урғочи фитонематода, 64 та личинка аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Касаллик келтириб чиқарувчи фитогельминт.



Оила Tylencholaimidae Tilipjev, 1934

Авлод Tylencholaimus De Man, 1876

Тур *T. minimus* De Man, 1876

♀: $L = 714-976$ мкм; $a = 24,8-31,6$; $b = 2,8-3,7$;
 $c = 29,3-35,4$; $V = 56,7-65,5$ %.

Бу турга мансуб 42 та урғочи фитонематода, 68 та личинкалар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Параризобионт.

Оила Diphtherophoridae Thorne, 1935

Авлод Diphtherophora De Man, 1880

Тур *D. communis* (De Man, 1980) Goodey, 1963

♀: $L = 877-912$ мкм; $a = 14,6-20,2$; $b = 3,6-5,2$;
 $c = 16,4-17,4$; $V = 56,7-60,4$ %.

$$\begin{aligned} \text{♂: } L &= 944-986 \text{ мкм}; a = 22,3-23,4; & b &= 3,7-3,8; \\ c &= 16,1-16,4. \end{aligned}$$

Бу турга кирувчи 45 та урғочи, 4 та эркак фитонематода, 108 та личинкалар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Акромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликлари худудида хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқдан аниқланди. Параризобионт.

Туркум	Rhabditida	Chitwood, 1933
Оила	Cephalobidae	Filipjev, 1934
Авлод	Heterocephalobus	(Brzeski, 1960) Brzeski, 1961
Тур	<i>H. elongatus</i>	(De Man, 1880) Andrassy, 1967

$$\begin{aligned} \text{♀: } L &= 644-714 \text{ мкм}; & a &= 25,8-27,1; & b &= 3,7-4,0; \\ c &= 14,1-15,9; & v &= 56,8-57,4 \%. \end{aligned}$$

Бу турга мансуб 26 та урғочи фитонематода 46 та личинкалар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Акромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда аниқланди. Девисапробионт

Авлод	Cephalobus	Bastian, 1865
Тур	<i>C. persegnis</i>	Bastian, 1865

♀: $L = 625-978$ мкм; $a = 17,6-21,4$; $b = 3,4-4,2$;
 $c = 14,8-17,5$; $V = 63,1-72,1$ %.

♂: $L = 544-1002$ мкм; $a = 20,9-23,1$; $b = 4,2-4,7$; $c = 15,1-17,6$.

Бу турга мансуб 119 та урғочи, 24 та эркак фитонематода ва 278 та личинкалар аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда кўп сонда учраши қайд этилди. Девисапробионт.

Тур *C. parvus* Thorne, 1937

♀: $L = 488-616$ мкм; $a = 16,6-18,3$; $b = 3,2-3,3$;
 $c = 12,7-16,3$; $V = 63,2-64,2$ %.

Бу турга кирувчи 4 та урғочи индивид ва 10 та личинкалар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларидан хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда аниқланди. Девисапробионт.

Авлод *Eucephalobus* Steiner, 1936

Тур *E. oxyuroides* (De Man, 1876) Steiner, 1936

♀: $L = 610-722$ мкм; $a = 15,8-23,2$; $b = 3,3-3,8$;
 $c = 7,7-9,1$; $V = 62,4-65,4$ %.

Бу турга мансуб 32 та урғочи фитонематода ва 51 та личинкалар аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев

Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупрокда қайд этилди. Девисапробионт.

Тур *E. mucronatus* (Kozlovska et Roguska-Wasilewska, 1963)
Andrassy, 1967

♀: $L = 622-810$ мкм; $a = 22,3-23,4$; $b = 3,5-3,6$;
 $c = 14,4-16,2$; $V = 64,5-66,1$ %.

♂: $L = 677-871$ мкм; $a = 23,2-23,5$; $b = 3,1-3,5$;
 $c = 15,8-16,1$.

Бу турга кирувчи 13 та урғочи, 3 та эркак фитонематода ва 14 та личинкалар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупрокда аниқланди. Девисапробионт.

Тур *E. striatus* (Bastian, 1865) Thorne, 1937

♀: $L = 848-908$ мкм; $a = 21,2-21,4$; $b = 3,4-3,6$;
 $c = 16,0-16,4$; $V = 67,3-67,5$ %.

♂: $L = 644-664$ мкм; $a = 19,7-20,1$; $b = 4,2-4,3$; $c = 16,1-16,7$.

Бу турга мансуб 4 та урғочи, 3 та эркак фитонематода ва 6 та личинка аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”,

“Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Девисапробионт.


Авлод *Acrobeloides* (Cobb, 1924) Thorne, 1937

Тур *A. buetschli* (De Man, 1884) Steiner et Buhner, 1933

♀: $L = 486-612$ мкм; $a = 14,8-16,2$; $b = 3,3-4,1$;
 $c = 15,4-18,3$; $V = 63,5-65,3$ %.

♂: $L = 956-1020$ мкм; $a = 14,3-15,2$; $b = 4,1-4,2$;
 $c = 18,3-20,2$.

Бу турга мансуб 7 та урғочи, 3 та эркак фитонематода, 57 та личинкалар аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Акробобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқдан қайд этилди. Девисапробионт.



Тур *A. labiatus* Jvanova, 1968

♀: $L = 584-764$ мкм; $a = 16,2-17,1$; $b = 3,1-3,5$;
 $c = 15,4-17,3$; $V = 64,1-64,8$ %.



Бу турга кирувчи 4 та урғочи индивид, 24 та личинкалар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларидан хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда қайд этилди. Девисапробионт.

Авлод *Chiloplacus* Thorne, 1937

Тур *Ch. symmetricus* (Thorne, 1925) Thorne, 1937

♀: $L = 676-720$ мкм; $a = 19,2-20,1$; $b = 4,2-4,8$;
 $c = 17,4-17,9$; $V = 65,1-65,7$ %.

Бу турга мансуб 17 та урғочи фитонематода, 32 та личинкалар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Музработ туманидаги “Ширин хўжа”, “Ақромбобо”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларидан хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқда аниқланди. Девисапробионт.



Тур *Ch. lentus* (Maupas, 1900) Thorne, 1937

♀: L = 1610-1624 мкм; a = 28,1-29,7; b = 4,7-5,1;
c = 19,4-20,8; V = 64,6-66,5 %.

Бу турга мансуб 4 та урғочи фитонематода, 15 та личинка аниқланган бўлиб, улар Термиз туманидаги “Сурхон сарвари”, “Чоршанбиев Мухаммади”, Жарқўрғон туманидаги “И.Тўранов”, “Мустақиллик”, Шеробод туманидаги “Поён”, “Ҳикмат барака”, Ангор туманидаги “Эргашев Нурбек”, “Сабрина” фермер хўжаликларида хурмо ўсимлигининг илдизи ва илдиз атрофидаги тупроқдан топилди. Девисапробионт.

Тур *Ch. obtusus Baranovskaya et Haque, 1968*

$$\begin{aligned} \text{♀: } L &= 614-633 \text{ мкм}; & a &= 14,6-14,7; & b &= 4,1-4,3; \\ c &= 14,6-14,8; & V &= 59,0-59,4 \%. \end{aligned}$$

$$\text{♂: } L = 622-734 \text{ мкм}; \quad a = 19,1-22,7; \quad b = 3,2-3,3; \quad c = 15,6-15,7.$$

